

Термиз туманидаги 31 та мактабда сўнгги қўнғироқ жаранглади



Бугун 25 май – туманимиздаги барча мактаб битирувчилари учун “Сўнгги қўнғироқ” жаранг сочди. Хусусан, 29 та умумтаълим ва 2 та айрим фанлар чуқурлаштириб ўтиладиган мактабларда сўнгги қўнғироқ чалинди. Жорий йилда мазкур илм даргоҳларида 1 минг 188 нафар 11-синф битирувчилари ўқишни якунламоқда.

Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров Қаҳрамон маҳалласи ҳудудида жойлашган 5-сонли мактабда “Сўнгги қўнғироқ” тадбирида иштирок этиб, Президентимизнинг мамлакатимиз мактаблари битирувчиларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Туман ҳокими битирувчиларни мактаб таълимини муваффақиятли якунлаётганликлари билан табриклаб, уларга катта ҳаётда омад ва оқ йўл тилади. Иқтидорли ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ташаккурномалар топширилди.